



# Афсоңаладығы шахар




Аңғар 50

1946 – 1996



Афсоңалардаги  
шахар

Сүзбек



13 бу



ел уз

А. УБАЙДУЛЛАЕВ В. КОСТЕЦКИЙ

63,3  
4-13

Ангрен шаҳрининг тарихига ои т қисқа-  
ча маълумотномани ёзишда шаҳар ҳамда  
вилоят улкашунослик музейлари, шаҳар,  
вилоят ва республика архив ҳужжатлари  
ҳамда ҳозир ҳам яшаб турган кишилар-  
нинг эсдаликларидан фойдаланилди.

Рецензентлар:

Анорбоев Т. А. — шаҳар ҳокими  
Қўканов А. — шаҳар ҳокими муовини  
Царьков А. П. — «Знамя труда» газета-  
си муҳаррири  
А. РАЗЗОҚОВ — «Ангрен ҳақиқати»—  
«Ангренская правда» газетаси муҳар-  
рири.  
Юн А. Н. — ўлкашунослик музейи ди-  
ректори.

ЎТМИШГА НАЗАР ТАШЛАБ БИЗ  
ЖУДА КУП НАРСАНИ УРГНАМИЗ.  
ЧУНКИ ЎТМИШ БИЗГА АЖДОДЛА-  
РИМИЗ АМАЛГА ОШИРГАН БУЮК  
ИШЛАРДАН САБОҚ БЕРАДИ, ЗЕРО,  
БИЗ АЖДОДЛАР РУҲИ ОЛДИДА  
ҲАЁТДА НИМАГА ЭРИШГАНЛИГИ-  
МИЗ, ОРТИМИЗДА ҚАНДАЙ ИЗ ҚОЛ-  
ДИРГАНИМИЗ ҲАҚИДА ҲИСОБ БЕ-  
РАМИЗ.

Ислом КАРИМОВ  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«Наврӯз» нашриёти.  
1996 йил.

65.9 (БУ-2 Ангрен)  
К-72

## МАСОФАСИ 50 ЙИЛГА ТЕНГ ЙҮЛ

Бизнинг республикамизнинг жўшқин ва қайноқ ҳаётида ҳар куни катта ва кичик воқеалар юз бериб турди.

1996 йил, бутун республикамиз учун катта эътиборга лойиқ йилдир. Бу йил мустақил республикамизнинг беш йиллик тўйи катта тантана билан нишонланади. Шунингдек, Ҳазрати Алишер Навоийнинг таваллудига 550 йил, ҳалқимизнинг чинакам сардори Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, биз яшаб, хизмат қиласетган Ангренимизнинг 50 йиллик тўйи байрам қилинади.

Эллик ёш... Бу тарих учун лаҳзаликдир, аммо Ангрен ҳаётида бутун бир даврдир.

1946 йил, 13 июнь куни кончилар қўрғонига шаҳар мақоми берилди. Ўша вақтда 20000 аҳолига эга бўлган кончилар шаҳрида йилига 150000 тонна кўмир қазиб чиқарилади. У вақтда шаҳарнинг биринчи уйлари қурила бошлаган, кўмир разрезининг биринчи навбати ишлаб чиқаришга топширилган эди. Ўзбекистоннинг кон ҳавzasи тарихи шундай бошланган эди.

Д. А. Богданович, Г. С. Чикризов, В. А. Захаревич, Ю. Охунбоевлар Ангрен кўмир ҳавzasи таъмал тошини қўйдилар. Кимсасиз водийда кончилар шаҳрининг биринчи бинолари, саноат корхоналари бирин-кетин қад кўтара бошлади, минглаб кишилар ўз тақдирларини истиқболи порлоқ ёш шаҳар билан боғладилар.

Бинокорлар дастлабки йиллари ботқоқлик ва қамишзор ўрнида Боги-Эрамдек гўзал бир бўстон, унинг бағрида азим шаҳар бунёд этиш учун самарали меҳнат қилдилар. А. Ф. Муравицкий, Б. П. Прушинский, Я. Г. Горбунов, Л. И. Гертман, В. П. Семендеев, П. С. Корнев, Я. К. Чуксеев, Н. Т. Донющенко, М. И. Денисов, А. И. Корсаков, Ю. В. Бровкин, И. Д. Братерский, М. Ф. Колп, биринчи кончилар: И. А. Урванов, Т. Ҳасанов, Л. Г. Солнишко, Р. Қорабоев, Ф. Хон, К. И. Лим, А. Маматов, Д. Голубятникова, Ю. Эшбоев, В. М. Марьясов, Ҳ. Алиқулов, коп муҳандислари: Я. И. Гриплат, А. П. Гречушкин, Ю. Рукавишников, А. Д. Лебедков, П. И. Гречушкин, Ю. Рукавишников, А. Д. Лебедков, П. И.

Савченко, Л. М. Нагсл, Л. Г. Лернерларнинг номлари-ни илиқ бир түйғу, әззоз билан тилга оламиз.

Биринчиларнинг анъаналарини Г. Самборский, Д. Зазулин, Л. Терман, А. Голобородько, В. Худик, Г. Шокирзянов, А. Зборивец, Л. Айхеле, Р. Рўзибоев, Я. Г. Янцен, Г. Кондратюк, А. Куртасанов, Ю. Смолин, М. Н. Журавлев сингари ўнлаб кишилар давом эттири-дилар.

Бугунги кунда Ангрен Мустақил Узбекистоннинг энг йирик энергетика ва ёқилғи базасига айланган. Ут-ган 50 йил ичида шахримизда шундай йирик корхоналар қурилди, улар: «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси, «Ангренкулол» ҳиссадорлик жамияти, Олтин қазиб чиқариш корхонаси, Ангрен ва Янги Ангрен ДНЭСларининг довруғи Осиё давлатларида ҳам яхши маълум. Жумладан, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси конверция ҳисобида республика эҳтиёжини қондира оладиган даражада мудофая жиҳозлари, шарқ услугидаги калишлар, автошиналар, линолеумлар ва бошқа эҳтиёж маҳсулотлари тайёрламоқда. Шунингдек, «Узбекқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмасининг бугунги ишлаб чиқариш қуввати ошиб, янги маҳсулотлар: целлюлоза, ДВПлар тайёрлаш сингари хайрли мақсадлар амалда ўз акси-ни топмоқда.

Ҳозирги вақтда шахримизнинг куч-қудратини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш фонди, яъни маблағлардан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрила-япти. Масалан, кўмир корхоналарини тиклаш ишлари бошланди. Каолинни қайта ишлаш ва бойитиш фабрикаси қурилиши бошланди. Бу ишга чет эл сармоядорларини жалб этаямиз. Маҳаллий ҳом-ашё ва ўсимликлардан целлюлоза олиш тажриба заводи қурилиши ҳамда мебел учун ишлатиладиган толали плиталар ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди. Автомобиллар учун «Чотқол-БК» аккумуляторлари ишлаб чиқариш бошланди, Яқин келажакда резина ва кулсл-чилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадаллаштирилади.

Бозор муносабатининг тараққий этиши, давлат мул-

кини хусусийлаштириш натижасида нодавлат сектори тезлик билан ўсиб бормоқда. Кейинги уч йил ичида 33 та корхона ҳиссадорлар қўлига ўтди. 500 та кичик, хусусий корхоналар ташкил этилди, 51 корхона хусусийлаштирилди, 112 корхона номонополистик корхонага айлантирилди.

Иқтисодий ислоҳотни муваффақиятли ўтказиш учун ишонч бор, чунки тадбиркорлик секторининг ўсиши саноат ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат соҳаларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари олға сурилган.

Шахримизнинг келажагини тез ва мутаносиб тараққий эттириш учун мавжуд имкониятга эгамиз. Оҳангороң водийси кўмир ва бошқа минерал ҳом-ашё заҳира-ларига шунча кўп эгаки, у водийнинг истиқболи учун мустаҳкам заминидир.

Шундай қилиб Оҳангороң водийсининг ерости бойликлари — Новгарзонда флюорит-голинит-бўёқ учун қўргошин рудаси, минераллари бўлган Колмиққир ерости бойлиги ундан мис ажратиб олинади, алунит ерости бойлиги ундан алюмин олинади. Лашкерек ерости бойлиги — бу ердаги минераллардан қўргошин, кумуш ажратиб олинади. Қорамтири кўмиришим бойлиги олимларнинг ҳисоб-китоби бўйича 2 миллиард тонна атрофида эканлиги аниқланган. Шунингдек, водийда қимматбаҳо металл, мирамир, гранитлар кўп.

Илмий-текшириш олийгоҳининг мутахассислари томонидан шахримизнинг тараққиёт дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурга асосан шахримизда ва унинг қўргонларида яшовчи аҳолининг фаол ишлаши учун шарт-шароитлар кўзда тутилган. Шахарга табиий газ келтириш ҳал этилмоқда. Туркия давлати билан ҳамкорликда каолин фабрикаси қуришга келишилди. Бундай қўшимча корхоналар қуриш Эрон, Қувайт, Ҳиндистон билан ҳам ҳамкорликда ҳал этилаяпти. Бунинг на-тижасида чиқиндиҳонадаги чиқиндилар қайта ишланиб, улардан кўпгина маҳсулотлар олинади, энг муҳими, шахрининг экологик ҳолати яхшиланади. Бундан ташқари

разрезнинг ички чиқиндиҳонасини текислаб боғ-роғга, маданий масканга айлантириш кўзга тутилган.

Айни вақтда шаҳримизда 135 мингга яқин аҳоли истиқомат қиласяпти. Республикаимиз иқтисодиётининг ривожланишига Ангрен ўзининг 98 фоиз кўмири, 100 фоиз германий хом-ашёси, 27 фоиз электр-энергияси, 100 фоиз канализация қувурлари ва деворбоп плиталари сингари ўнлаб тур маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан муносиб улуш қўшиб келаяпти.

Шаҳримизнинг бойлиги аввало бир оиласа бирлашган халқимиз ҳисобланади. Мана шу халқни жиспликка етаклаган, шаҳримизнинг биринчи пойдеворини яратган устозлар номини бугун фаҳр билан тилга оламиз жумладан, Н. И. Юрин, М. М. Орифжонов, И. Б. Флейшмахер, И. Н. Искандаров, А. Г. Гуломов, Т. И. Исломов, А. М. Алиқулов, Н. В. Антипин, Х. А. Асатов, Д. К. Бабкин, В. Т. Блюмкин, Б. А. Дудко, К. Т. Зубов, Э. В. Калустъян, А. З. Мусажонов, Ш. М. Османов, М. Б. Бобораҳимов, А. И. Юсупов, Э. Э. Хабибов, Ю. А. Югай, А. П. Мотъкин, Б. В. Гугушвили, Ш. Насридинов, А. Собитов, И. С. Сайфутдинов, А. Калиниченко, Р. М. Шокирова, А. В. Кузнецова, Н. И. Туаева, С. Ю. Юсупалиев, Д. Е. Цзю, Ю. Э. Гринштейн, С. А. Аброров ва бошқалар эртанги авлод учун яхши мактаб яратган инсонлардир.

Шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти кундан-кун яхшиланиб бораяпти. Шуниси эътиборга лойиқки, шаҳарда меҳнатсевар, аҳил, фидойи кишилар яшаяпти, улар эртанги кунга мустақкам замин яратаяпти. Бу ишда биз уларга янги зафарлар, куч ва гайрат ёр бўлаверсин деймиз.

Т. А. АНОРБОЕВ,

Ангрен шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати.

## ОҲАНГОРОН ВОДИЙСИННИГ ЖУҒРОФИЙ ҲОЛАТИ.

Дарё-ю жилалар бўстонга лойиқ,  
Магрур, тик тогларим достонга лойиқ  
Минг йиллик Илоқини: довруги бизмиз,  
Бағримиз кенглигин билсин ҳалойиқ.

Ангрен шаҳрининг тоғ саноати тумани Ангрен дарёси (тўғрироғи Оҳангорон дарёси) водийсига жойлашган. У шимолий гарбдан Чотқол тоги, шимолий-шарқдан Қурама тоғи тизмалари билан чегараданган. Ҳар иккала тизма водийнинг шимолий шарқига келиб бирлашади. Тизмаларниң баландлиги 3600 метрга етади. Водийнинг, ўзи денгиз сатҳидан 900—1200 метргача бўлган баландликка жойлашган. У Тожикистон, Қиргистон ва Қозоғистон республикалари билан чегарадошdir.

Чотқол тизмаси Чотқол ва Оҳангорон ҳавзалари учун табиий сув омбори манбаи ҳисобланади. Унинг баландлиги 4000 метрга етади. У Жанубий ғарбга қараб 3200 метргача пасаяди. Чотқол тизмасининг шимолий ёнбағри тик. У водийларни тик тушган жарларлари билан ажратиб туради. Унинг жанубий қисми нишоб бўлиб, сувлари тўла сойларга эгадир.

Қурама тоғ тизмасининг узунлиги 150 километргача ўзишган, унинг баъзи жойлари денгиз сатҳидан 3500 метргача баланд. Ўртача баландлиги 2500 метр ҳисобланади.

Ангрен дарёси ўз сувини Оҳангорон ҳавзасидан, Қамчиқойнинг чап биқинидан олади. Бунинг устига ҳар иккала тоғ тизмаларидан келаётган кўпсонли сойларнинг сувлари ҳам унга қўшилади. Масалан, Чотқолнинг чап ёнидан: Бори-Сурҳой, Тўғонбоший, Дукентсой, Қорабоғсой, Ақчасой, Шаввозсой, Қурама тоғининг ўиг ёнидан: Навгарзонсой, Жигаристонсой, Қайрағочсой, Бешсой, Нишибошсой, Гўштсой ва бошқалар. Оҳангорон дарёсининг узунлиги 256 километр бўлиб, шу масофадан сўнг Сирдарёга қўйилади.

Оҳангорон водийсида сув геологик кузатишлар 1909 йили бошланиб, Турк қишлоғи яқинига сув ўлчагич хизмати ўрнатилган. Бу хизмат 1946 йилга келиб

Тўрк об-ҳавони кузатиш станциясига айлантирилди. 1948 йил бундай кузатиш станциялари дарёнинг ўрик жилғаларига ҳам ўрнатилди.

Оҳангорон водийсининг меҳригиси — ҳар иккала тог бағрини қоплаб, яшинатиб турган бөг-рөгларни, арчазорлари, доривор ўт-ўланлари, тиник сувларнио, тоза ҳаволаридир. Мевали дараҳтлардан: олма, ўрик, ёнғоқ, олча, олмурут, бодом ва бошқа мевали дараҳтлар одамлар ҳаётини енгиллаштириб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Доривор ва шифобахш ўтлари эса соғлиқни сақлаш соҳасида «яшил дориҳона» вазифасини бажариб келмоқда.

Бу ернинг ҳайвонот дунёси ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тоғ кийиклари, қўнғир айқулар, тўнғизлар, бўрсиқлар кўплаб учрайди. Йиртқич ҳайвонлардан чиябўри, бўри, ҳатто қоплонларни учратиш мумкин. Водийни тўлдирган парранда ва даррандалар ҳам инсон саломатлиги ва кўнгилхушлиги учун бевосита ва билвосита хизмат қиласи. Илон заҳри, бўрсиқ ёғи инсон учун шифо бўлса, булбул, майна овози асаби эркаласа, какликлар инсоннинг кўнглини хушлайди.

Табиат билан инсон уйғулиги ҳаётимиз мазмунидир. Бу мувозапат бузилса инсон ҳам, ҳайвонот дунёси ҳам касалликка учрайди. Истибодод давридан етиб келган Орол фожиасини унутманг. Бу фожиа жаҳон дардига айланган. Бу касалликни енгиллаштириш иши ҳар биримизнинг олий бурчимиз бўлиши керак.

## ВОДИЙНИНГ ЎТМИШИ ВА ҚАЗИЛМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҶРИФИ.

Бугундан ганиргин, сўзи бурама,  
Ўтган босқинчилар ҳолин сурاما.  
Бойликни биз учун асрар қолибди,  
Водий аскарлари Чотқол, Қурама.

Чотқол ва Қурама тогларининг Сирдарёгача бўлган кенг ва гўзал ҳавзаси милоддан олдин ва милоднинг XIII-асрига қадар «Илоқ давлати» деб номланиб келинган. Баъзи бир одамлар Илоқ давлатининг пойтахтини Ангрен дарёсининг чап қырғоғида, Облиқ кўп-

риғидан ўтиб, Теловга бурилиши жойидаги қабристонининг ўрни, у ерини ковласак гишталар чиқади, деб фараз қилишарди.

Хурматли адабимиз Олим Қўчқорбеков археологик қазилмалардан топилган ҳужжатларга асосланиб мана нима дейли: Илоқ мамлакатининг пойтахти Тункент шаҳри ҳисобланган: баъзи ривоятларга кўра аввал пойтахт Илоқ (ҳозирги Олмалиқ) шаҳри бўлган экан. Бу мамлакат ўз даврида жуда кучли тараққий этган бўлиб, VI—VII-асрларга келиб Шошга қўшилган. Аҳолиси деҳқончилик ва дон маҳсулотлари етиштирувчи, тоғ жойдагилар эса чорвачилик ва турли маъданлар қазиши билан шуғулланганлар. Илоқда шаҳар маданияти тараққий этган. IX—X-асрларда бу ерда 17-та шаҳар бўлган. Ундан кейин улар сони 20 дан ошиб кетган. Шош ва Фарғона савдо йўли Илоқ ҳудудидан ўтганлиги туфайли бу мамлакатда маҳаллий саноат кенг ривожланган. Илоқ мамлакатига қарашли энг ўрик шаҳарлар Туркни, Илоқ, Хирожкент, Шутуркент, Обриқ (ҳозирги Облиқ) Нужкатлар ҳисобланган. Мамлакат пойтахи Тункент шаҳри Оҳангорон дарёсининг Совуқбулоқ ва Отчопарсой ирмоқлари яқинида (ҳозирги Пскент билан Олмалиқ шаҳарлари оралиғида) жойлашган. Бу шаҳар таҳминан 350—400 гектарча жойда бўлиб, ҳозиргача сақлашиб келинган вайронаси 50 гектардан ошиқдир. Археологларнинг исботлашларича бу шаҳар милодгача V-асрда чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашувин натижасида ташкил топган, VI-асрга келиб эса Илоқ феодал давлатининг марказига айланган.

Шаҳар яқинидаги Қорамозор тоғидан қазиб олинган олтин, кумуш маъданлари туфайли пойтахда танга пуллари зарбхонаси пайдо бўлгай. Бу ерда зарб этилган олтин ва кумуш тангалар ҳатто Норвегия, Швеция каби мамлакатлarda ҳам муомалада бўлган. Ривоятларга кўра мисдан ясалган тунука (эҳтимол тунука сўзи шаҳар номидан олингандир) биринчи бўлиб шу шаҳарда кашф этилган. Бироқ, X асрда яшаган жуғроғиначилар Истаҳорий ва Иби Ҳавкалларнинг берган маълумотларига кўра конлардан олинаётган маъдан бойликларнинг ҳаддан ташқари камайиб кетишлиари туфайли Тункент инқирозга юз тутиб, сўна бошлайди.

Тарихдан маълумки, IX—X-асрга келиб Илоқ мамлакатида шаҳарлар сони 17-тага етган: Тункент, Нуқат, Обриқ (ҳозирги Облиқ) ҳам дейилган, Намудлиғ, Даҳкат, Кўҳисим, Туккат, Ҳас, (Ҳаш), Бискат (Пскент), Сомсарсак, Ҳумрак, Гаржард, Сакокат (Шавкат), Панжшах, Балоён, Хирожкент (Харашкент ҳам дейилган), Сикат. Агар шаҳарларнинг номларига эътибор берсак, номларнинг айримлари (Туккат, Сикат, Харш, Панжшах, Нуқат, Пскент) сонлар билан айтилган. Ана шундан ҳам кўриниб турибдики, шаҳарлар сони 20 дан ошиқ бўлган.

Илоқ мамлакатининг тез тараққий этишинга унинг жанубий Чотқол ва Қорамозор төгларидаги қадимги конлар сабаб бўлган. Қизил-олма, Қўчбулоқ, Оқтурпоқ, Сартабуткон қазилмаларидан олтин, Ўнгиркон, Ферузакон деган жойлардан феруза, конимансур, қоратошқўтон, кон, сойлардан эса кумуш, металлар қазиб олинган. Биргина Обриқ шаҳри атрофидағи конларда кўп миқдорда олтин ва кумушлар қазиб олинаверганлиги туфайли бу шаҳар ҳудуди XV асрга келиб кенгайиб кетган. Шаҳар Фарғонага ўтиладиган йўлнинг ёқасида бўлганлигидан савдо ишлари ҳам яхшигина ривожланган. Бу мамлакатда маҳаллий саноат, деҳқончилик билан бир қаторда фан ва маданият ҳам тараққий этган. Тункент, Хирожкент, Мингтепа харобаларидан топилган ҳар хил маданий ёдгорниклар бўнинг исботидир. Илоқлик машҳур табиб ва тарихчи олим Шарофуддин Абу Абдулло Мухаммад Илоқийнинг Байрут, Искандария ва Миср кутубхоналарида сақланётган тиббиёт ва тарихга оид ўнлаб китоблари мавжуд. Шунинг ўзиёқ янги Ангренни қураётган ёшларнинг фахрланишлари учун етарлидир.

Мустақиллик шарофати билан кўпгина булоқларнинг кўзлари қайта очилди ва очилмоқда. Бизларга тарихдан маълум, бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур халқларни қийинчиликлардан қутқазиш ва Ислом динини қайта тиклаш билангина эмас, ёғи етган ерларда турли обидалар, зиёрратгоҳлар, ҳатто шаҳарлар ҳам қурдирган. Ушандай шаҳарлардан бирни ипак ўйлига жойлашган Шоҳруҳия эди. 1995 йилнинг ёз йўлига жойлашган Шоҳруҳия эди. 1995 йилнинг ёз

ларидаги «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» ҳалқаро иттих экспедиция сафари уюштирилди. Унда профессор ва доцентлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этдилар. Қуйидаги экспедициянинг вилоят бўйича раҳбари, тарих фанлари номзоди М. Мирзаев, экспедиция раиси Ф. Ашрафхўжаев, вилоят «Ёдгорлик» жамияти раиси М. Мирсаатовлар сафар чоғида тўплланган Шоҳруҳия шаҳри ҳақидаги айrim масалаларни шундай ҳикоя қилишиади.

Амир Темур ўз вақтида шаҳарлар ҳам бунёд этган. Ҳусусан, Тошкент вилоятининг Оққўрон туманидаги «Шоҳруҳия» шаҳри шулар жумласидандир. У 1392 йили қадимги Бинокат шаҳри ўрнига ўғли Шоҳруҳмирзо (1377—1447) шарафига қурилган. Шаҳар асли миодий VII асрларда вужудга келган. Сомонийлар, Қораконийлар даврида ҳунармандчилик ривожланган бўлиб, 1218 йили Чингизхон уни вайрон қилган. Шунингдек, 50 минг кинини асирга олган. XIV — XVIII асрларда бу ер Мовароунахрнинг шарқидаги муҳим шаҳар-қалъаси ҳисобланарди. У, Сирдарёнинг ўнг қирғонига, Оҳангород дарёсининг Сирдарёга қўшилиш ерига яқин жойлашган бўлиб, Бобурмирзо бу шаҳарни ўз асарларида бир неча бор тилга олиб ўтган. Шоҳруҳия Темур ва темурийлар даврида машҳур савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб, бу ерда кулолчилик, шишачилик, қайиқсозлик каби соҳалар ривожланган. 1404 йилда Хитойга юриш вақтида Амир Темур қўшинларининг бир қисми шу ерга келиб қишилаган.

Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманлари, қадамжолари соҳибқирон Амир Темурнинг номи билан боғлиқдир. Пскент, Паркент, Оҳангород, Олмалиқ сингари ҳудудлар шулар жумласидандир. Ҳусусан, Оҳангород ҳам Темур келиб кетган муқаддас жойдир. Форсийдаги Оҳангород туркйида темирчилар шаҳри деб аталган. Ўнда турли маъдан конлари бўлиб, Темур қўшинларининг қурол-аслаҳлари учун .хом-ашё сифатида фойдаланилган.

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмida (ҳозирги янги бозор рўпарасида) Амир Темур томонидан бунёд этилган «Шоҳ Азиз Авлиё Жоъме масжиди» ҳам бор. Масжид Амир Темурнинг устози шарафига қурилган.

Юқоридагилардан күрнинб туриблики, Амир Темур қаерда бўлмасин, қаерга бормасин ўзидан яхши из қолдирган. Қурилишлар буниёд этгани, ободончилик ишларини ривожлантирган. Бу биз учун ва келажак авлод учун катта мактабдир.

## ЎЗ АСЛИНИ ТОПГАН РИВОЯТЛАР.

Одамга ёқимли төғнинг ҳавоси,  
Асабни эркалар қушлар навоси.  
Узоқ ўтмишининг сұхбатга чорлар,  
Қояда суратлар галереяси...

Тарихдан маълум, Оҳангорои волийси ўша, ибтидоий жамиятдан бошлабоқ инсон яшайдиган қароргоҳлардан бири бўлиб келган. Кўлбулоқ қароргоҳи асрлардан бўён қанчадан-қанча олимларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Бу жой шаҳримизнинг Соғлом қишлоғи юқорисига жойлашган. Бу иобб қароргоҳ ЮНЕСКОнинг қўриқхонаси деб эълон қилинган. Узбекистон Фанлар Академияси ёш олимларни тайёрлаш учун ҳар йили ёз ойларида қазилма ишларини шу срда олиб боришади. Бу жой археологлар учун битмас-туғаимас манбаъ ҳисобланади.

Шаҳримиздаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилиши бошланган 1972 йилнинг ёзи эди. Кўлбулоққа Узбекистон Фанлар Академиясининг археологлар бригадаси (бригадага бошлиқ бўлиб Мирвоҳид Қосимов) келганди. Ўша вақтда мен шаҳар ўлкашуннослик музейида директор эдим. Мирвоҳид Қосимов машина юбориб, бизларнинг келишинизни илтимос қилди. Музейнинг катта илмий ходими Олег Михайлович Ростовцев, илмий ходим Анатолий Петрович Царков уччаламиз етиб бордик. Мирвоҳиднинг йигитлари ишлашаётган экан. Салом-аликдан сўнг, бизнинг йигитларимиз ҳам ишга киришиб кетишди. Мирвоҳид мени чодирлар ёнига бошлаб борди ва «Агар ваъдаларида туришса бугун Яҳё aka билан Галина опа келади» дебя чодирларни кўрсатди.

Ҳа, олимлар ўз ваъдаларида туришиб, соат 12 ларга яқин етиб келишди. Биз Мирвоҳид Қосимов билан пенивозди чиқиб уларни кутуб олдик. Мирвоҳид мени улар билан танинтиргди. Кейин Галина опа ва Яҳё акад-

ни ўз чодирларига кузатиб қўйди. Сўнг шофёри чақириб шундай деди:

— Қозоқовул эсингдами?

— Эсимда.

— Эсингда бўлса у ерга бориб бой отани топ-да, «Мирвоҳид аканинг меҳмонлари келишибди, вақтингиз бўлса ўзингиз ҳам чиқар экансиз» дегин.

— Бой ота деганингиз домлани танийдими?

— Ўтган йили келганимизда учрашиб қолишиб, қимизхўрлик қилинган. Ўзи ўқиган, каттароқ ишларда юрган, ақлни кўринади-ю, Сталиннинг жазавасига тушинб зўрга кутилиб қолган экан. Қеча шу срдан ўтаетиб Яҳё акани сўраб қолди. Мен у кишининг келишини айттиб, қимиз буорган эдим.

— Қимизни сўрайми?

— Йўқ, ўзи билади. Тезроқ жўна.

Шофёр кетиши билан бу ерга етиб келган ошиаз «Сўраган экансиз», — деди Мирвоҳидга.

— Мана бу столни тузанг, ластурхон ёзиб туринг. Улар чиқинса чой киритинг, — деди Мурвоҳид. Кейин чодирдан чиққан олимларни кўриб столга бошламоқчи бўлди. Аммо, улар иш бошига йўл олишди.

Мирвоҳиднинг бошлаган иши охирига етиб қолган эди. У очилган қабрининг ёнига тушди. Марҳумнинг скелети бўйи-басти билан чўзилиб ётарди. Унинг ёнида найзанинг учига ўрнатадиган ўткир қоплама ётарди. «Бу йигит баҳодирқомат солдат бўлган», — деди. Мирвоҳид, ўша найзанинг учини олиб Галина опага узатар экан. Галина опа уни ҳаяжон билан айлантириб кўрар экан, «Мана, домла бобокалонларимизнинг бизга ўтмишдан қолдирган совғалари», — дебя уни Яҳё акага узатди. Академик Яҳё Гуломов ҳам уни синчковлик билан кузатиб қўшиб қўйди:

— Бундай совғалар инсонлар ҳаётининг китобларидир. Шулар бўлмаса бизлар ўзимизнинг уларга нисбатан шунчалар юксалиб кетганимизни қаёқдан ҳам билардик.

— Шундайку-я, — деди Мирвоҳид. — Найза ясашнинг ўзи ҳам, унинг учига ўткир қоплама кийдириши ҳам инсон фикрининг тараққиёт рамзи. Бироқ бу та-

раққиёт нима учун одам ўллиришни осонлантиришидан бошланган?

— Ноиложликдан, мажбурликдан шундай бўляйти, — деди академик. — Мана қарағ, мана шу қабрда ётган паҳлавон йигитни аскар бўлган, жанга ҳалок бўлган деяпсиз, шундайми?

— Шундай.

— Шундай экан, нима учун мана шу ҳалок бўлган аскарнинг уруғлари ўзларининг тоғган бойлекларини бошқа уруғларга ҳимоясиз тошириб қўйишлари керак. Истасангиз, истамасангиз ҳам ўзини ҳимоя қилган уруғ ўз душманига қарши қатъйроқ нарса ўйлаб топишлари керакми, йўқми? Албатта керак. Демак, ноиложликдан наизанинг учига ўткир нарса ўринатган. Бу нобоп усул ҳалқлар орасида мусобақага айланниб, atom қуролигача етиб келди. Одамининг ақл-идроқи буни, даҳшатли қуролини тўхтатишга қодир, аммо...

Академик Фуломов шундай деди-ю, анча жимликдан сўнг, яна нималар бор, деб сўради. Мирвоҳид қабрдан худли тувакка ўхшаган иккита идин олди. Яна катта-кичик суюки олиб шарҳлаб берди. Унинг айтишинча идишларнинг бирида дои, иккинчиенда сув бўлган. Суюкларнинг бири ёш молнинг суюги, иккинчи ишқўзининг суюги. Уша даврдаги дафи маросимида бу нарсаларни қўшиб кўмниш одат бўлган экан. Ҳамма сукут сақлаб турарди. Галина она сукутни бузиб, «Бизнинг Мирвоҳид баҳти олимларимиздан, қаерга қўл урса янгиликнинг устидан чиқади», — деди. Шу пайтошхонадан ошиазнинг овози эшитилди. Мирвоҳид ҳаммани овқатга таклиф қилди. Ишчи-шілардан кимдир ёнида юрадиган магнитофонни буради-да, ашулани янгратиб юборди. Бу хонанда «Қашқарниң жувонлари» деган қўшиқни мароминга етказиб куйларди. Ҳамма булоқнинг муздай сувида юваниб, нафас ростлади. Магнитофонни қўйган йигитнинг дўсти порози оҳангда тўнгиллади.

— Бошқа куй ёзмаганмисан? Қачон қўйсанг «Қашқарниң жувонлари» ўзларини кўз-кўз қилишгани қилишган, Нима, Қашқарда қиз бола қуриб кетганими?

— Билмайман, — деди магнитофон эгаси. — Менинг

эшитишимча Қашқарда қиз боладан жувонлар қиммат турармиши. Ахир бу ҳаётиниг тескарисен-ку.

— Шу сўзниг рост бўлса чинакам ҳаётиниг тескариси. Аммо ҳар нарсанинг бир сабаби бўлиши керак. Чунки сабабениз оёққа тикан кирмайди, дейишади. Бу жумбоқни домлалардан сўра.

— Ёшлар ишдан эмас, қизлардан сўрашаяпти, деб кулишмасмикни?

— Кулишмайди, сўрайвер.

Ҳамма овқат билан банд. Чодирдаги катта стол орқасида олимлар, Мирвоҳид ва Ростовцевлар ўтиришибди. Кираверишдаги поїгакда ишчи-шілар. Сочлари тўзгиб кетмаслиги учун пешонасини боғлаб олган магнитофоннинг эгаси ийманиброқ савол қилди:

— Хурматли домла, мен Қашқарда қизларга нисбатан жувонлар қиммат турармиш деб эшилдим. Шу гаплар ростми? Агар рост бўлса унинг сабаблари нималардан иборат?

Яҳё Гуломович бу саволни эшилди-да, анча вақтгача жилтмайиб турди. Қейин жавоб қилди:

— Шундай ривоят мавжуд болам. Бу нарсалар ўтмишдаги китобларда ҳам ёзилган. Бизларда унинг исботи йўқ. Шунинг учун ҳам ривоятга айланиб қолгани. Унинг сабаблари қўйидагилардан иборат. Қелинг, узоққа бормайлик-да — Сиз ишлаётган таниш, Кўлбулоқ қароргоҳидан мисоллар келтирайлик. Бир вақтлар мана шу жой каттагина қўл бўлган. Ибтидой жамиятнинг одамлари қўл атрофида яшаб, тошдан қурол ясашган. Мана шу биз яшаб турган жойдан 200 метрча юқорида ўша ибтидой одамларнинг қурол ясайдиган устахонаси бор. Ундан сал нарида ўша одамлар томонидан қояга солинган суратларни кўрасиз. Худди ана шу одамлар Кўлбулоқнинг атрофига янириниб, ҳайвонларнинг сув ичишга келишларини кутганлар. Шўри қуриган ҳайвонлар уларнинг оломонига учраб емиш бўлишган. Бундай овга катта-кичик баравар қатнашишган. Ана шундай қийинчилик даврда йигитлар уйланишни, қизлар эса эрга чиқишини унтишиб, ўз хусусиятларини йўқотиб қўйғанлар. Бу ҳол одамлар орасида қаттиқ ваҳима уйғотади. Хўш, бундан бўёғига одамлардан насл тарқамайдими? Иносинят ўзи

охирига етдими, деган умидсизликлар күчаяди. Шунда уруғ бошлиқлари бир ерга йинишиб инсонларга хос чора топишади. Улар лойдан одам ясаб, хумдоңда пиширишни таклиф қилишади. Бу таклиф амалга ошгач уни, яъни күёвтүрәни сўлим жойга ўриатиб, муқаддас даражасига кўтаришади. Эрга чиқинин истаган қиз бола бу муқаддас жойни зиёрат қилиб келади. Ундан қайтган қиз гул-гул ёниб ўзининг турмушига чиқинша тайёр эканлигини эълон қиласди. Шу йўсида оила қуриб, бола-чақали бўладилар. Билсангиз, шарқий Туркистонда ҳам, Фарбий Туркистонда ҳам турмушига чиқсан қизни жувон дейишади. Ёши катта бўлса ҳам турмушига чиқмаган бўлса уни қиз бола дейишади. Қашқарнинг жувонлари деганда турмуш қурган ёшлар на зарда тутилган.

Шу пайт самосвал ҳайдаб келгани шоффер машинасини чодир ёнида тўхтатиб, кабинадан чиқди ва «Мирвоҳид aka ким бўлади?» — деб сўради. Чодирдан чиқкан Мирвоҳид «Мен», — деб ўзини танишиди. Шоффер Мирвоҳиднинг қўлига буюм бериб, «Мана буни олиб келгандим», — деди. Довдираб, ўзини ўйқотиб қўйган Мирвоҳид «Кетмай туринг, азизим, ҳозир, ҳозир», — дейди-да, чодирга отилиб кириб «Мана устоз, ҳозир Сиз айтган күёвтүранинг нозиги», — деди.

— Воажаб, воажаб, — қичқирди академик Фуломов. — Галина, мана бунга қара, ахир бу биз айтиётган ривоятнинг асли-ку.

Улар ёш боладай, гўё, дадасидан мўмайроқ ҳайтилик ундирган боладай қичқиришарди, севинишарди. Кейин довдираб: — Қани, ким олиб келди, бирга борингдар, қолдиқларни ҳам олиб келинглар», — деб буюради Мирвоҳидга. Мирвоҳид, Ростовцев яна иккита ишчи билан ўз машиналаридан самосвалнинг орқасидан эргашади.

Улар анчагина туриб қолишади-ю, аммо қуруқ қайтишади. Айтишларича тупроғи кавланган жойда ҳам, тупроғи тўкилган жойда ҳам бирор бутун нарса қолмаган, ҳамма нарса ээзилиб, кукунга айланиб кетибди.

— Ҳечқиси йўқ.—деди академик Фуломов. — Бизнинг қўлимиизда ривоятнинг исботи бўлгани нозик далил бор.

Эили у Фанлар академиясининг фондидан сақланади.

Ноёнкии Галия она ушлаб турарди. Ростовцев ҳазина қилино: «Бу нарса Галия ошанинг қўлида чирошли кўриннار экан», — деди. Бундай ҳазилдан Галия ошанинг ўзи ҳам роҳат қилиб кулди ва «Бу муқаддас нарса, уига таъзим қиласман. Бу бўлмаганида сенлар ҳам бўлмасдиларинг», — деди. Бу жавоб ҳазилдан кўра ҳақиқатлиги сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам одамлардан кулгу эшитилди.

Яҳё Ғуломовц ганин якуплаб «Ана ўғлим, «Қашқар жувонлари» қўшиғинигизга энди тушундингизми?», — деди. Пигитлар домлага миннатдорчилик билдириб турарди. Бой ота отидан тушниб Яҳё акага юзланди.

## • БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ОЙНА.

Дуркун жононанинг қошлари қора,  
Севганига етолмай юраги пора.

Ҳаёғдан ҳаётин афзал кўрибди,  
Ўлимга тик қараб мағрут дилдора.

Бой ота деган киши олтмишдан ошиб қолган, қора камзул, қора шим ва маҳси-калиш кийиб, дўпини устидан қалпогини қўндириб олган семизгина киши экан. Мирвоҳид у билан саломлашди-да, отнинг эгаридан хуржунини олиб чодирга кирди. Бой ота отанинг олдинги оёғини тушовлаб «Ана, эили ўйнаб юравер», дегандай сағрисига шапатилаб қўйди. Унинг ёнида турган Яҳё aka мишиғида кулиб: «Қани, Сотбой чодирга кирайлик», — деди. Бой ота ўйланиб турриб: «Ўта димгўй», — деди. Яҳё aka қандай таклифинг бор, дегандай қараб турарди. Уни сезган Сотбой оға жавоб қиласди: «Палатканг ўтов эмасгўй. Ўтовнинг чангдараги бийик, керагаси кенг, иши салқин бўладигўй. Палаткангдан дала тузик, ҳадемай салқин туседи».

Яҳё Ғуломов Мирвоҳидни чақириб: «Анави сунага жой қилинг», — деди. Шундан сўнг ўзининг палатасига ўйл олди. Мирвоҳид булоқшини ёнгинасига кимлардир ва қачонлардир қуриб кетган баланд ва тўрт бурчакли равони сунагини бир четига олтич: ёпди-да, ўзининг кўринасиги кўрипача ўрнида тўшаб, Бой отанинг таклиф қиласди. Мен Бой отанинг ёнига ўтиб, уни гапга солдим: «Энингинимга қараганда сиз Қатагониниг қаҳридан зўрга қутулганимниен? Нима, каттароқ хизматдамишингиз?

— «Жўқ»,—деди у қатъий. Кейин сўзини давом этказли: — «Кунлардинг биринчиле исполноменси ёнига киррип бизде мусулмонимиз, бизделе туй бор, аза бор. Уси маъракани ўз адатимиз бўйинише ўтказиш ушун биран бир мўлданни бизга биркитиб қўйинигиз дедим. У, хўш деганди. Эртаси куни биттаси келиб партия сиёсатига қарши нима қилмоқчисан, — деб дўқ қилди.—Усиндан икки кун кейин уси бастаги келни; жаврай берди. Бир қўй берниб қутуладим. Ақилаларни биладиганлар аз қалажатир, Минов академик Фуломов кўп билимдон одам экан. Утган жили танисип, талай нерсенни сўраб алган эдим. Қуръоннинг оятлерин шала ўқир эканман, ўсинни сўраб билиб олдим. Уни мен ўзимга шир деб қабул қилдим, Буни Фуломов билмаса-да, журегимден билиб журамин. Мана бугун жана энгемесине келдим. Билмаган нарсаларимни сўраб билиб кетем».

Шу пайт Яхё ака билан Мирвоҳид чодир ёнида кўринганди. Бой ота овоз қилиб: «Қўржиниди ала келши», —деди Мирвоҳидга. У. хуржунни елкасига ташлаб Фуломовга эргашди. Бой отанинг ёнига келиб хуржунни елкасидан олиб унинг олдига қўйди. Ота—унинг биринчи кўзидан қимиз қўйилган мешни, иккинчи кўзидан аёқни (ёғоч тогора) чиқарди. Кейин қофозга ўраған бир килодан ортиқроқ келадиган тоши қандни ва бир кило келадиган думбани, ундан кейин чўмични, катта пиёланни чиқариб ёнига қўйди. У ҳамманинг кўз олдида думбани тўғраб, қандни ҳам, думбани ҳам аёққа солди-да, ёнидаги мешдан қимиз қўйиб тўлдирди. Кейин мешнинг оғзини боғлаб Мирвоҳидга қаради-ю, «Усини, минов булоқ сувина тастав қўйши»,—деди.

Мирвоҳид мешни олиб кетгач, Бой ота ёнидаги чўмични олиб қимизни шопира бошлиди. Анча вақт шопиргандан сўнг аёқдаги қимизнинг бети сарнёф қўйилгандай йилтиллаб қолди. Айтишларича яхши қимизда 7 даражагача спирт бўлар экан. Худди ўша спирт қимизга солинган думбани эритиб юборди. Унга солинган қанд ҳам қимизнинг ўткирлигини енгиллаштириб турар экан. Бой ота ёнидаги пиёланни қўлига олди-да, бу ерга келган йигитга бериб, «Бор, ювиб акел», —деди. Йигит пиёланни ювиб олиб келди. Бой ота «Бисмиллоҳир Раҳмонир раҳим» деб чўмич билан шиёллага

қимиз қўйди. Уни Яхё акага узатиб «Мана оқсоқол, бастан беринг, кўшглигинигиз айнадек тиниқ ва равшан бўлсин» деб иният қилди.

Шу пайт Мирвоҳид Қосимов сунанинг бизлар ўтирган жанубий бурчагини кавлашини буюрди. У гўё бир нарсанни излаётгаидай ишонч билан раҳбарлик қиласарди. Қимиз тўлдирилган пиёла иккинчи бор айландики, Мирвоҳид ўз навбатини ўтказиб тураверди. Бу пайтда Ростовцев қимизнинг градусига қаноат қилмай, ўз маслакдошлари билан яримтани тушириб олишиди. Улар навбати келганда қимизни ҳам қайтаришмасди. Мен Мирвоҳиднинг ёнида турардим. Суна бурчагининг устки қатламлари олингандан сўнг кўмилган одамнинг бош чаноғи кўринди. Уни яна бироз кавлашди. Мирвоҳид бош чаноқни бўйиндан ажратиб олди. Бу ерга етиб келган Галина она чаноқни Мирвоҳиднинг қўлидан олиб, «Мана ҳақиқий туркини чаноғи мана шундай бўлади», — деб кўз-кўз қилди. Кавлашга ёрдамлашаётгани бола: «Домла, нега бу одамнинг боши бору, танаси йўқ?» — деб савол қилди.

— Чунки бу қарияни ўтқазиб кўмишган. Танасини энди кўрасаи, кавлайвер,—деди.—Дарвоқе, бу қабр жудаям қадимий бўлғани учун унинг қовурғалари эзнилаб кетганди. Йигитлар яна бироз кавлашди-да, ҳайратдан «Бу чолнинг оёқлари ҳам йўғ-у», — дейишди. Мирвоҳид тупроқларни қил чўтка билан тозалаб пастроққа тушганди. Чолнинг оёғи тагида бошқа одамнинг боши ётганлигини сезди. Мирвоҳид ҳаяжонланиб уни каттароқ очди-да, «Бу, кўйдириб кўмилган аёл-ку» — деди. Кейин унинг кўз гардишларини бармоғи билан силаб кўриб, «Эй, шўхи пари, нега ундан қилдинг, бироз чидасанг бўлмасмиди, тангри таоло вақти етганида ўз тенгинг билан топиштирардику» деб ачишиди.

— Нималар деялпизз домла, кимга ачиняпизз? — деб сўради пешонасини танғиб олган магнитофонли йигит.

— Мана шу кўз олдингизда ётган паризоднинг ёши 18—20 лар ўртасида бўлган. Аммо унинг эри уруғ бошлини бўлган бўлиши мумкин. Аммо ёш жувон эридан кўнгли тўлмаган. Биронта жазмани билан ўйнаган бўлиши мумкин. Оқибатда сир очилиб қолиб, бул шўхи-

парини қаттироқ жазолашган. Ниҳоят ён жувон ҳаётдан кўз юмгаи. Кейин уни куйдириб кўмишган.

— Куйдиримай кўмишса бўлмасмиди?

— Ким билади дейсан, ўша замонинг қонун—қондаси шундайдир. Беъвафо аёлнинг гуноҳи катта, уни тирик дунёнинг ўзи тузатмаса нариги дунё қабул қилмайди, деган тушуича бордир балки, ҳар қалай бошқаларга ўрнак бўлсин учун ҳам куйдиришганир.

Мирвоҳид оғзи билан ганириб, қўли билан ишларди. У, аёл ётган ерни каттароқ очи-ю, марҳумнинг кўкрагига қўйилган буюмни олиб ҳайратдан ўтириб қолди. У ҳадеб «Водариф, водариф!» дерди. Аёлнинг кўкрагига қўйилган буюм бронзадан ясалган ойна эди. Бундай ойналар фақат замон катталари ёки уруг бошлиқларининг хотинларидагина бўлиб, у ўша хотинининг мулки ҳисобланарди. Мирвоҳид бонни айланганлай гандираклаб ўрнилаи турди-ю, ойнани олиб, «муни қаранг устоз, муни қаранг, неча йилдан бўён қидирган нарсамиз шундоққина оёғимиз тагида ётган экан, экан», — деди.

— Офарин, офарин, — деди Яхё Еуломовиҷ суюнганидан. У Галинани чақириб севинчини айтиб адо қиломасди. Галия опа келиб Мирвоҳидни ўниб олди. Яхё ака бўлса бир кунда иккита ривоятнинг ўз аслини тошишини қаранг. Ўн йиллаб қилинадиган иш бир кунда битса-я. Офарин, офарин, — дерди иуқул.

Ангренда Кўлбулоқдан бошқа тарихий жойлар ҳам бор. Улар Эртош қишлоғи тепасидаги муғхоналардир. Уларни фақат кўриш, зиёрат қилиш керак. Археологлар учун у ерда қазилма маинбалари йўқ. Мен Ўзбекистон Фанлар академияси фондига қўшилган иккича фақи ютуғининг иштирокчиси ва гувоҳи бўлганим билан фахрланаман.

## ҲУНАРМАНДЛАР

Мехнатда ўзингга бир мактаб ярат,  
Ҳунарнинг бобида янгилик тарат.  
Раҳматлар айтишсин иқтидорингга,  
Нуроний кексалар назарин қарат.

Ҳунармандлар: кулоллар, бинокорлар, дурадгорлар, темирчилар, заргарлар, уламою-фузалолар, шои-

ру-носирлар, домтаю-имомлар ҳар бир давлатнинг битмастуганимас бойлиги, маданий-тариҳий мулки эса унинг чеҳраси, қиёфаси ҳисобланади. Босқинчилар қайси мамлакатга бостириб киришдан олдин унинг ўша мулки-миқдорини кўз остига олиб қўйган бўлади. Босқинчилар ўз ниятларини амалга оширгач, биринчи навбатда ер усти бойликларини — ҳунармандлар яратган поёб буюмларни талашади. Унинг олимлари томонидан ёзилган қўллэзмаларни олиб кетади. Ҳатто, ҳунармандларни ҳам ўз юртларидан сургун қилишиади.

Масалан, Чорросеняси ўтра Осиёни забт этганида биринчи навбатда унинг хазиналарини ўмарган. Лайинка, бу ишлар «озодлик, тенглик» — деган соҳта широр ниқобида иш тутган советлар даврида яққол намоёни бўлди. Хоразм, Қўқон, Бухоро хонликларининг хазиналари ўша большевиклар айтганидай ўзбек халқининг эҳтиёжлари учун эмас, москвалик ҳукмлорлариниг интаҳаларини қондирган.

Совет даврида тузукроқ хизматда бўлганлар Москвага бориб, мабодо бирон музейга ёки кўргазмаларга кириб қолишича, ўзимизнинг ҳунармандларимиз тайёрлаган нодир буюмларни кўриб кўзларига ўш олар эканлар. Мен ўзим 1952 йили Ангрендан муҳаррирлар масакасини ошириш З ойлик курсида ўқиётганимда бундай аҳволнинг қурбони бўлганиман. Кўргазмаларнинг биринга борганимизда (у, Москванинг Горький боғида ташкил қилинган эди). Бухоро ва Хива ҳунармандлари тўқиган ипак гиламларни, зарбоп тўйларни, зардўзи дўппиларни, Бухоронинг феруза кўзли билак-узукларини кўриб юрак ўйногига учраганим. Сабаби шуки, уларни тайёрлаган ҳунарманднинг исми-шарифлари кўрсатилмаган. Чет элдан келган меҳмонлар буни фақат совет миллати тайёрлаган деган маънени англа-

шибди. Унга юрак қўрни бериб, меҳри-муҳаббати билан ишлаган, кўз нуридан ажраган ҳунармандлар бутунлай суринб ташланган, бутун бир ҳалқининг ижоди йўққа чиқариб қўйилганди. Эдиликда уидай бўлмайди. Чунки ўзбекларининг ўз давлати, байроби, тамғаси (герби), мадҳияси, ўз қонуни, Конституцияси, ўз армияси бор. Тилимизни чўқишга, кўзимизни ўйишга ҳеч кимга йўл бермаймиз энди.

Юқорида тилга олинган ҳунармандлар орасида бизнинг Ангренимизнинг ҳунармандлари ҳам бор. Улар Илоқ давлати давридаги бобокалонларимизнинг давомчиларииди. Улар ҳозир Кулолчилик комбинатида, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқарни бирлашимасида, Олтии қазиб чиқариш ва саралани корхоналарида, кўмириларнида, олий таълим масканларида ва бошқа жойларда жасорат кўрсатмоқдалар.

Илоқ давлатининг тараққиётларини кўпинча унинг Шош давлати билан Фарғона давлати йўнида бўлганлигига борглайдилар. Аммо, Илоқнинг ривожига турткни бўлган яна бир ривоят бор. Искандар Зулқарнайн Сармарқандни забт этганида шаҳар ҳалқи орасида ҳунармандларни Македонийга олиб кетармниш деган сўз тарқалибди. Шунда ҳунармандлар ганин бир ерга қўйиб, ўша туннинг ўзидаёқ бола-чақалари билан Фарғонага сидан келаётган бир одам «Сенлар қонқонга тушдиларинг, орқаларингдан армия келиб олиб кетади»,—дебди. Саросимага тушган ҳунармандлар кутилиб кетишнинг йўлини ўйлашади. Шунда ҳалиги хабар етказган одаминиг ўзи йўл кўрсатибди. Ҳунармандлар Сирдарёдан ўтиб, Қурама тоғлари оралиғидан Илоқ давлати ҳудудига кириб, яширинишиб қолишган экан.

Худонинг ўзи етказган бу бойлик туфайли Илоқ давлатининг ривожи янада ошиб кетган. Ҳунармандлар бир-бирларидан ўрганишиб янги-янги нарсалар яратишган. Ўша пайтларда олқорнинг калласига ўхшатиб ишлашган тўртбурчакли чироғдоштар, тўрт хил раңг билан тустовуқининг сурати солинган лаганлар, тухум

пўчогилек юпқа, жарангдор, коса-ю, пиёлалар, феруза қузли қумуш, тијла узуклар, билавузуклар, шунингдек бошқа буюмлар пайдо бўла боштабди. Улар ёрдамида зарб қилинган қумуш ва тијла тангалар Норвегия ва Швеция бозорларида таан олинган.

Илоқ давлатидаи бизларгача етиб келган бу муқаддасе водийда Тункентининг довругини янада баланд кўтарадиган Ангрен шаҳри дунёга келган. Бу шаҳар ҳунармандлари қўлни-қўлга бериб ишлаб, бугунги кунда шаҳарининг 50 йиллик тўйига муносаб совға тайёрлаш учун меҳнат қилишмоқда.

## ШУНИНГ БОШЛАНИШИ

Улкамда бойлик кўп, ҳаммаси ерда,  
Қадок қўлларда-ю, билимдон эрда.  
Ҳақни дилга жо қил, енгларинг шимар,  
Сенга тегишлиси пешона терда.

Республикамизда каттагина ёқилғи заҳиралари бўла туриб, кўмирии ҳам, нефтни ҳам минерал ўғитларни ҳам бошқа республикалардан олиб келардик. Ута қимматга келтирилган бу ашёлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг ташархини бир-неча баравар ошириб юборарди. Донбассдан келтириладиган кўмирнинг учдан бир қисмини паровознинг ўзи ёқиб адо қилиларди. Республика раҳбарларига геология қидирув ишларини мустақил ўтказишга руҳсат этилмасди.

Асримизнинг 20-йилларида Оҳангорон водийсидада В. А. Захаревич раҳбарлигида «Средазгеология» трестининг партияси иш бошлаган эди. Улар кўмирдан даррак берувчи батъзи бир ашёлар учраса ҳам уни қидириш истиқболенз деб рапорт беришган. Республика раҳбарларининг такрор-такрор илтимосларидан сўнг 1934 йили Ангренга Д. М. Богданович билан В. А. Вировцевлардан иборат геология қидирув партияси қурилиш материалларини топиш ва уларнинг чегараларини аниқлаш учун юборилади. Бу ерда улар ҳар хил қурилиш материаллари бўлган 15 дан ортиқ конни белгилашади. Сарти-Бутканек деган жойда тилласи бўлган руда борлигини аниқлашади. Шунингдек, Жигаристонда қорамтирир кўмирнинг қатлами борлиги ҳақида ва уни саноат учун қазиса бўлади, деган фикрга

келади. Д. М. Богдановичнинг эслашича кўмир қатла-  
манинг очилиши қўйидагича бўлган:

Одамлар қандайдир қурилиш материалари топиб,  
уyllар қуриш учун ишлатишгаётганни, деган хабарни  
эшитадилар. Улар, ўтган асрда ҳам шу райондан келти-  
рилган лойни паровознинг ўтхонасига ўтга чидамли  
материал сифатида ишлатишганидан хабардор эдилар.  
Богданович бу мишилларни аниқтани учун Жигарис-  
тонга ўз ёрдамчиси Тимофей Иванович Корунеци  
юборади. Корунец ўтказган қазилмада кўмир борлиги  
аниқланади. Бу ҳақда Богдановичнинг республика  
раҳбарларига берган маълумоти уларни қизиқтириб  
қўяди. Улар қидириш ишларини давом эттириш учун  
маблағ ажратишиди. Д. Т. Богданович ишин давом эт-  
казиб, Ангренда каолин лойн ва кўмир заҳираси кат-  
та деган фикрга келади. Аммо, Ўрта Осиё геология  
идораси раҳбарлари бунга ишонишмайди. Улар 27 ёшли  
геологнинг айтган фикрига ишонмай, Оҳангороң  
водийси геология қидириув ишларни учун истиқболсиз,  
деган фикрини рўяч қилишади.

1939 йилларнинг бошида улар Мурғоб (Тоҷикистон республикаси), Кўмирли (Қирғизстон республикаси) конларини ўзлаштиришни бошлаш учун буйруқ  
беришади. Бу жойларни ишга тушириш учун 10 мил-  
лионлаб маблағ сарфланади-ю, аммо иатижга чиқмай-  
ди. Богданович ҳақ эканлигини кейинги Г. С. Чикризов  
ўтказгани қидириув ишлари исботлаб берди. Улар 1940  
йиллардан бошлаб қидириув ишларини мунтазам олиб  
борадилар. Улар худди ўша йили Загансоннинг Ан-  
гренга қўйиладиган жойида кўмир борлигини аниқ-  
лашади.

1940 йили Иттифоқ ҳукумати кўмир саноати ҳалқ  
комиссариға Оҳангороң водийсига кўмир саноати қу-  
рилишни бошлаш учун фармойни беради. 1942 йили  
Г. Чикризов ва Д. Богдановичларга йигирма минг сўм-  
дан давлат мукофоти берилди. Улар бу пулни мудофаа  
фондига ўтказадилар.

1940 йилнинг кузидаги Жигаристон қашлого ёнига

чайғ босгани машина келиб тўхтайди. Келганлар маши-  
надан чодирларни, асбобларни, юкларни туширати-  
лар, тог этагига чодирлар уриатилади. Тут дарахтига  
«Ангреншахтақурилиши» деб ёзилган тахта қоқиб  
қўйилади.

1940 йилнинг 20 сентябридан 31 декабрга қадар  
Ўзбекистон ҳукуматининг чақириғига асосан кон ва  
посёлка қурилишига 1870 нафар ишчи келади. Оҳан-  
горон воҳасидаги қурилишни бутун республиканинг мар-  
казига айланади. «Правда Востока» газетаси ўзининг  
1940 йил 9 сентябрь сонига «Ангреншахтақурилиши»  
1-шахта учун жой ташлади» деб ёзди. 13 октябрь: Ўрта  
Осиё кўмир конлари «Ангреншахтастрой»га сезиларли  
даражада ёрдам кўрсатади. Улар «Қизилқия»дан,  
«Ленгер»дан, «Қўкёнгоқ»дан ва бошқа конлардан иш-  
чилар ўйллашади. 28 октября «Ангреншахтастрой»да  
тиббий-санитария ёрдами ташкил этилади. Тиббий  
пунктга бошлиқ қилиб Тошкент канали қурилишида  
тажриба ортирган З. Н. Пиёзов тайинланади. У ерда  
10 нафар врач, 12 нафар фельдшер ва ҳамширалар иш-  
лашади. Муайян иш жойларида шифокорлар, фельд-  
шерлар хоналари ташкил қилинади. Кўп ўтмай бу  
ерда касалхона очилади. Ўзбекистон ҳаво ўйлари  
бошқармаси 28-октябрдан бошлаб «Ангреншахта-  
строй»га мунтазам равишда ҳаво-транспорти қатно-  
ванинг ўйлга қўяди. Ҳар куни эрталаб самолётда бар-  
ча почтани ва газета-журналларни келтириб беришади.

1940 йилнинг 1 ноябри куни Ангрен дарёсининг чап  
қирғонида 1-кон қурилиши бошланади ва асосий ствол-  
нинг 10 метр узунликдаги чуқурлиги кавланади. 1-кондан  
100 метр нарида проходкачилар — ўйл очувчилар  
2-кон, кейин 3-кон қурилишини бошлаб юборишади. 2-  
коннинг ўтиш ўйлини Н. Айдаров, П. Семёнов, И. Пи-  
вең бригадалари бошлаб беришади. 5 ноябрда қури-  
лишнинг кўчма Қизил байроғи учун социалистик му-  
собақа қизиб кетади.

Шундай қилиб стахановчилардан орден соҳиби Ми-  
тасев, Лягушевлар ўз мажбуриятларини ҳар куни 200  
фонзга етказиб адо этиб юришади. Трусов бўлса кун-  
лик режаки 225 фонзга етказади. Худякова бошлиқ Қи-

зил байроқли хотин-қизлар бригадаси ҳам ўз имкониятларидан ошириб ишлашади. Улар дар қуилик топшириқни 220 фонзга етказиб адо этишади. Аудин шуннингдек, Руденко, Усова, Анисимова бригадалари ҳам жонбозлик кўрсатишади. 15 декабрь куни «Ангренмостстрой»га кўчма кино ўрнатилди. Биринчи куни улар «Катта вальс» киносини кўрсатишади. Зал 100 кишига мўлжалланганди. Кутубхонани ҳам шу ерга жойлаштиришади.

24 декабрь: Бир неча кун олдин коида биринчи галабага эришилди. 1-кондан кончилар 30 тонна кўмири қазиб олиши. Кончилар конининг саноат қатламига яқин келишиди.

29 декабрь: 1940 йили, 26 декабрь куни 1-конининг 51-метрида кончилар конининг саноат қатламига етилар. Кузнецов бригадасининг навбатчилари Богомазов, Минсайфин, Татин, Котов ва ёрдамчи ишчи Хайруллина, пудратчи Зотовлардан иборат навбатчилар, навбатчи уста Гавриловнинг раҳбарлигига қатламларни породадан (кўмири бўлмаган нарсалардан) тозаланган ҳолда кундузи соат учда конининг саноат қатламидан биринчи тонна кўмирини қазиб чиқардилар.

Кўмирини қазиб чиқарнишга эмас, уни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳам керак эди. Бунинг учун Тошкентга қадар йўл қурмоқ лозим эди. Бу йўлни ҳашар усули билан 17 кун ичida қурилди. Темир йўлни бўлса, ўша 1941 йили ўн ойда қуриб битказиши. Йўл қурилишига С. С. Денисов раҳбарлик қилди. Спиридон Сергеевич бундан олдин вилоят иўл қурилиши бўлими ни бошқарарди. Айни вақтда электр-энергияси билан шини З. А. Семёнов бошқарди.

— Одамларимиз жонбозлик билан, қўлни-қўлга берib ишлашли, — деб эслайди Евгений Александрович. — Қараб туролмасдик, одамларимиз биздан электр-энергияни кутарди. Янги-янги корхоналар бизнинг линиямизга муштоқ эканликларини билдиришарди. Республика бўйича умумий раҳбарликни партиянинг биринчи котиби Усмон Юсупов олиб борарди. Шунингдек, Йўлдош Охунбобеев, Абдужаббор Абдураҳмонов,

Б. Г. Мирзабековлар ҳам бу ишга сафарбар этилгантилар. 1941 йилнинг 9 сентяброда Узбекистон КП Марказий Кўмитаси ва СССР халқ комисари Совети Ангрен кўмири ҳавзасида кўмири разрезини қуриш хақида қарор қабул қилди. Аммо, бу ишни 1942 йили «Кўмири қатлами тахмин қилинган масофадан ҳам чуқур экан», деб қурилиши тўхтатиб қўйишди. Уруш кетаётган бир пайтда ҳавзага экскаватор юборишнинг иложи йўқ эди.

Ангрен ҳавзасидаги кўмирини очиқ усулда олиш фикрини биринчи бўлиб геология-қидириув партиясининг бош геологи Г. С. Чикризов айтди. Бу фикрин Урта Осиё қурилиш олийгоҳининг хизматчилари, яъни ҳозирги Тошкент политехника олийгоҳининг профессори А. С. Понов ҳам қўллаб-қувватладилар ва исботладилар.

Биринчи бинокорлар қамишзор ўрнида саноат корхоналари, маданий-маний, тураг-жой биноларини қуриши учун кўп куч ва меҳнат сарфладилар. 1939 йили бу ерга келган биринчи қурувчилардан А. Ф. Муравицкий, Н. Т. Донюшенко ва бошқалар ишни келган куилариланоқ бошлаб юбордилар. Уларнинг ихтиёрида битта автомашина, 50 бош от бор эди.

А. Муравицкий шундай эслайди: шаҳар менинг кўз ўнгимда тикланди. Мен ва менинг дўстларим бу ерда биринчи уйларни тикладик. Қамишдан мустаҳкамланган деворлар ҳозирги панеллардан ҳеч ҳам қолишмасди. Уйлар гўё қўзиқориндай кўпайиб кетди. Одамлар бундай, унча мураккаб бўлмаган уйдан севинишар, ўз уйларини жиҳозлар билан тўлдириб, ғуурланишарди.

## МЕҲНАТ ФРОНТИ.

Ингитлар фронтда берарди зарба,  
Она-Ёр чорларди ҳалқин сафарга.  
Қари-ёш, хотин-қиз тинимни билмай,  
Тамал тош қуярди улуг зафарга...

1941 йил 22 июнда бошланган уруш халқимизнинг тинч қурилиши ишлари режаларини йўққа чиқарди. Аммо, бу уруши Узбекистонда ўзининг ёқилғи базасини тезроқ қуриб, ишга тушнишга ундарди. Бу ҳол рес-

публикациининг ёқилги энергиясига бўйли талабини қондириши кераклигини билдиради. Буидан ташқари уруши туфайли кўчириб келтирилаётган заводлар, фабрикалар ёқилғига ниҳоятда муҳтож эди. 1941 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказқўми ва Республика халқ комиссарлари Совети Ангренда кўмир ҳавзасини қуриш учун маҳсус қарор қабул қиласидар. ўша пайтада Оҳангирон водийисида тез-тез портлашлар пайдо бўлиб туради. Агар бундай портлашлар урушда вайроналик, ўлим, одамларга қайгу олиб келса, бу ердаги портлашлар минг-минглаб кетмончининг юмушини осонлаштиради. Чунки қурувчилар миллионлаб куб-метр тупроқни кўчириб олиб, қатламга етишлари керак эдилар. Бу ишга раҳбарлик қилиш Республика Олий Кенгаши Президиумининг раиси Йўлдош Охунбобоевга юклатилган эди. У ишга ерда яшаб раҳбарлик қиласидар, дам уни разрезда, траншеен кавлаётгандар орасида, дам бинокорлар орасида кўрини мумкни эди.

Республика кўмир саноатини яратиш учун ўн минглаб кишилар қатнашди. 1941 йилининг июнь ва август ойларида Тожикистоннинг Понғоз қишлоғи колхозчиларидан бир неча юз оила қурилишда ишлаш учун кўчиб келди. Ҳозир улар «Наврӯз» посёлкасида яшашмоқда.

Кончилар посёлкаси ўша уруш йиллари қурилган. Ҳамма имконият конни тезроқ ишга туширишга қаратилганди. Туарар-жой биноларни қуриш оддийлаштирилганди. У барак шаклида қуриларди.

Кўпчилик мактаблар, шифохона, болалар боғчалари турар-жой биноларига жойлаштирилганди. 33 нафар ўқувчига мўлжалланган биринчи мактаб 1942 йили очилди. У, қамишдан ясалган кулбадан иборат эди. Бу мактабининг биринчи ўқитувчиси Тўхта Ёрмуҳамедов бўлган. Уруш йилларининг ўқитувчилари — госпиталлари билан бирга келган аскарлар, зобитлар эди. Уларнинг бири қўлтиқтаёқда бўлса, бошқаларининг қўллари бўйнига осилган бўларди. Улар ўша ўқитувчилик даврида озроқ соғайнib қолиша яна чақирув қозғоз билан фронт майдонига кетишарди.

Шаҳар қурилиши бир неча қўрғонлардан иборат

—и. Масадаи: Сонгорот, «Шахтёрский», «Правобережний», «Жигаристон», «Тешик-Тоши», «Турк», «Углеразведка», «Станионий», «Городок энергетиков», «Центральный посёлок». Булардан тузукроқ қурилгани «Соцгород» эди. Унинг кўчалари, йўлаклари асфальтланган, дараҳтлар ўтқазилган, дам олиш боғи барпо қилинганди. Бу ерда 1943 йили 1 июлда З-қурилиш бошқармаси ва «Ўзбекшахтастрой» бонқармалари ташкил этилган. Трестнинг ўзи Тошкентда бўлган. Тажрибали бинокор В. П. Прушинский раҳбарлигига З-қурилиш бонқармасининг ишчилари Соцгороднинг биринчи ўйтарини тиклай бошладилар. Урушнинг бошларидан посёлкада «Ангрен» номли промартель ташкил этилди. Унда тикув ва поїафзал цехидан ташқари сартарошлиқ, оҳак, бўйрачлиқ цехлари ҳам ишга киришиганди. Бу артенинг раислигига тажрибали саноатчи Д. С. Свердлов тайинланганди. Ишлаб чиқариш бошлиги этиб А. Д. Гермаус қўйилди.

1942 йилиниг бошида 8-кон қурилиши бошланган эди. Гидрогеологик шаронтиниң қийинчиликлари туфайли бу қурилиш 1948 йилга келиб тўхтатиб қўйилди.

1942 йилиниг бошида, қачонки собиқ Совет армияси кенг фронт бўйлаб ҳужум бошлаганиларида ва фашист босқинчиларидан Москва ва Тула вилоятларини озод қилганлари учун уларга совға тариқасида Ўзбекистоннинг биринчи кўмир шахтасини доимий эксплуатацияга топширди. 1942 йили Ангренда 30 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. 1943 йили 55 минг тонна, 1944 йили 100 минг тонна. Шунинг билан бир қаторда 1943 йилда 2-кон ҳам маҳсулот берувчи конлар қаторига кўшилган эди.

1940 йил бошларида ишга туширилган З-та коннинг ускуналари ремонтталаб бўлиб қолди. Бунинг учун 1943 йили шаҳарда таъмирлаш-тажриба базаси ташкил қилинди. Кейинчалик бу ер паровозларини, бугли ва электр токида ишлайдиган экскаваторларни таъмирлаш базасига айлантирилди. Бу корхона 1977 йили қайта жиҳозланиб, марказий электро-техника устахоинига айлантирилди.

## КОНЧИЛАР ХОТИРЛАЙДИЛАР...

Кийим йўқ, овқат йўқ, ишлар кўп эди,  
Катталар сўзига жавоб «хўп» эди.  
Лаънати фашистнинг гўрии кавлардик,  
Очин ишласак ҳам кўнгил тўқ эди.

1942 йилниң баҳори. Қиши совуқлари ортда қолди. Ангреннинг биринчи кончиларидан Иван Александрович Урвонов шундай хотирлайди: Бизларниң бу ерга келганимизга беш—олти ойча бўлди. Доибаседан 40 нафар кончи келгандик. У ёқла, узоқ Фарбла ўз кўлимииз билан портлатилган коц, ёнаётган Доибасс қолганди. Бу ерда ҳам кўмир ўз оёғимиз остида турибди. уни республика, бутун мамлакат кутарди. Лекин уни қазиб чиқарни ҳаддан ташқари қишини эди. Электр энергиясини оддий ҳаракатлантирувчи (двигок) да шилаб чиқариларди. Стволлардан ўтиш йўли (проходка) қўлда бажариларди. Буниңг устига яна бизнинг бахтимизга қарши яна бир фалоқат — трофиқ касали (маҳаллӣ безгак) қамраб олди. У одамларни мизни қарийб йиқитиб қўйди. Баъзи вақтларда 100 кишидан 25—30 кишигина шуга чиқарли. Уларниң кўпчилиги ҳам забойда (иши жойининг ўзида) йиқилиб қолишаарди. Шундай бўлса ҳам ҳар қандай қишиничилкларга қарамай, 1942 йилниң 1 Маий байрамига водийининг 1-кони—Ангреннинг биринчи эшелон кўмирини ҳаля қилди. Кўмир ортилган эшелон Тошкентга қараб қўзғалди. Қора кўмир устида баҳор лоласи ҳаёт борлигини исботлаб борарди. Бу қувончли эшелонни 20 нафар энг илгор кончи кузатиб боришарди. Булар орасида Турғун Ҳасанов, Степан Богомазов, хотин-қизлардан Нурия Боқиева, Ҳанифа Сандова ва бошқалар бор эди.

1943 йил ҳаёт-мамот жанг кетаётган бир пайтда Ангренга келган қизлардан бири шундай эслайди: — Бизлар бўлажак Ангренга келганимизда ҳамма жойдалади иборат эди. Уйлар етишимасди, шахтада ётардик. Ӯша вақтдаги ҳарбий шаронг бизлардан заводлар, паровозлар учун ёқилғи етказиб беришимишни талаб қиласиди.

Нурия Боқиева эслайди: — Намангаңдан қизлар билди Ангрен Қурилишни келганимда 19 ёнда эдим. Бу срдати иш хотин-қизларга мўлжалламаганди. Қани,

куни бўйи вагонеткани итариб, ичи тўла кўмирни манзилгача етказиб кўрниг-чи. Фронтдагиларга эса биздан ҳам қишини эди. Улар узим билан олишиб, қон кечиб юринишибди, — деган фикргина куч бериб, барча қишиничилкларни сингишга ёрдам берарди. Мен билан Надя Криченко деган қиз ишларди. У Киевда Балет мактабида ўқирди. Бу ерда вагонетка итарувчи. Бизда Маша Колб деган аёл чилангар-электрчи бўлиб ишларди. Кунларниң бирида, бизнинг конда кабел ёрилиб кетиб, бутун кон, ҳатто озгина нам бўлган жойлар ҳам хавф остида қолди. Ӯшанда Маша ўз жонини ҳавф остида қолдириб, очилиб қолган ток олдига етади... У катта қишиничилк билан хавфнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Лесогонлардан Тания Евченко, Сервер Сеидов, шунингдек, бошқа кончиларимиз фронт талабини қондириш учун барча имкониятларини ишга солдилар.

Қурилишнинг яна бир қатиначиси Зухра Каримова шундай хотирлайди: — Бизда тўрт нафар қиз учун биттагина телогрейкамиз (камзулимиз) бор эди. Оёғимиздаги калишларимиз катталигидан сим билан боғлаб қўйиб, эркаклар инини бажарар эдик. Ишдан келиб ўзимиз учун ётоқхоналар, бараклар, ертўлалар қурадик. Буниңг учун суткалаб (кеча-кундуз) ишлашга тўғри келарди. Ӯша вақтдаги партия чақириғидан сўнг одамлар конга гуё дарёдек оқиб кела бошлидилар. Қурилишда ишлаётганларниң сони аввал 4 минг бўлса, чақириқдан сўнг республиканинг барча вилоятларидан яна 3 минг киши келиб, жами биз, кончиларниң сони 7 мингга етдик. Ӯша 1940 йили ташкил қилинган «Ангреншахтастрой» (уни Сталинуголь) деб ҳам аташарди. Бу посёлканинг аҳолиси тез орада 20 мингни ташкил қилиб қолди. Бу посёлка чодирлардан, ўтовлардан иборат эди. Ягона дам оладиган жойимиз ҳам ертўлага жойлашган чойхона эди. Қечалари чодирларимиз ёнида чиябўрилар бола йиғлагандай увлашиб чиқишаарди. Оёқларимиздан тишлаб кетмасин деб нойафзалларимизни ечмай ётардик.

Л. Козирева эслайди: — Уруш келтирган қишиничилклар ҳаддан ташқари кўп эди. Бизлар биринчи навбатда уларни эслатаймиз, балки, ӯша қишиничилклар

ни қандай қилиб енганимизни эслаймиз. Бизларнинг дўстлигимиз ҳар биримизга бўйған ҳурмаг-ъигиборимиз, муносабатимиз ўша қининчиликларни сигишга ундарди. Боримизни бир-биримиз билан баҳам кўрадик. Ҳар биримиз ўз тегишимиздаги ширинликдан бир қисмини сақлаб қолишга, уни оталигимиздаги госпиталда ётган ярадорларга беришга ҳаракат қилардик. Бир куни кончилар ошхонасига карточка билан бериш учун тошбақа олиб келгани байрам бўлиб кетганди. Очликдан шишиб ўлганларни эсламай иложимиз йўқ. Биринчи қабристон разрез қурилиши билан бузуб ташланди.

Маҳкам Азимов эслайди: — 1941 йилни бир гуруҳ ёшлиарни Тожикистоннинг Ашт райони Понгоз қишлоғидан ФЗО да ўқийисизлар, деб олиб келишди. Ҳаммамиз 14—15 ёшли болалар эдик. Аммо, бизларни ўқитишмади, биринчи конга ғўла ташишга қўйиншиди. Техника хавфсизлиги ҳақида ўқитиб ҳам ўтиришмади. Ҳамма нарса ўша кийимда ишлайвердик. Шунинг учун қандай келган бўлсак халақит берарди.

Аммо ёшлар ҳар қанча қийналишса ҳам ишдан қочишмади. Кунлардан биринда Маҳкам Азимовни ва бир қанча ёшларни ФЗОга ўқишга юборишиди. Маҳкам уердан ишини нормалаштирувчи қасбини эгаллаб қайтиди. Шундун сўнг у 9-конда ишлай бошлади. У, ҳозир «Ўзбекуголь» акционерлик бирлашмасининг, «Ўзбекуголь» ҳиссадорлик фирмаси директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ольга Тимофеевна Хмирова: — (эрининг фамилиясида Кайдошко) — эслайди: — Уруш йиллари бизни жуда тез катта қилиб қўйди. Чилангарга шогирд бўлиб ишга келганим эсимда. Саша Хлонков. У бу вақтда 12 ёшга тўлганди. У Мөхнат Шуҳрати ордени билан мукофотланганди. Бола ориқ, тўйиб емагандан қўллари ишга ўштар, шикоят қилмасдан ишларди, нормасини бажаарди. Охир оқибатда Александр Борисович Хлопков ракета қурилишининг кўзга кўринган олимни бўлиб етишиди. Бизнинг баҳтимизга қарини космос фақат Галабадан иборат эмас экан. Унда йўқотни ҳам бўлар экан. Саша бугун биз билан бирга эмас...

1943 йилнинг бошида давлат саноатини ризожлантириш учун 1 миляниард сўм ажратиган эди. Шундан шахта қурилишига 62 милянион сўм белгиланган будиб бу маблағ йил охиригача тўла ўзлаштирилади. Ўша йилни Узбекистон Олий Қенгаши бир гуруҳ кончиларни Мөхнат Шуҳрати ордени ва Олий Қенгашиниг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаганди. Шунинг билан бирга СССР кўмири саноати халқ комиссари ҳам ўзининг Мақтov қогози билан мукофотланган эди. Булар орасида: Мусавали Фаниев, Қўлдош Эшбоев, Қули Дурматов, Сервер Сендов, Мурод Ягмурев, Т. Ахмонов, А. Ходиқов, Исмоил Ибрагимов, Жўра Султонов, Ёқуб Эшматов, Туркар Мирзакулов, Шокир Шерматов ва бошқалар бор эди.

Ўша кунлари Фаргона водийсидан фронтга қизлардан иборат бир эшелон ҳамширлар, телефонисткалар, алоқачиларни юборишиган экан. Улар Тошкентга етишганларида Ватан кўмирга муҳтоҷ деб эшелонни Англена га — кой қурилишига жўнатишибди. Булардан ташқари қонунни бузуб судланганларни ҳам шу ерга жўнатат бошладилар. Бизнинг төғимизда тикали сим билан ўралган жойлар кўзга ташланса бошлади. Мөхнат-ахлоқ тузатиш колонналари кела бошлади. Уларни ораларида ноҳақ жазоланганлар кўп эди. Бу тадбир ўзини оқламади. Олтмишинчи йилга келиб уларни бу ердан олиб кетишиди.

Уруш йилларида 1700 нафар комсомол қиз кончилик қасбини эгаллашиди. Булар орасида М. Ҳамидова, Р. Умарова, Ҳанифа Санобар Сандовалар, Ф. Мустафинча, З. Каримова ва бошқалар бор эди.

Д. А. Голубятникова эслайди: — Бизлар 1943 йилни Наманян вилоятидан келдик. Бизларни Теник-тошдаги чодирларга жойлаштиришиди. Теник-Тони носёлкаси қамиш билан ёнилган ертўлалардан иборат эди. Қурилиш материаллари етишмас, лекин қамиш кўп эди. Бу ерда пашша, чиябўрилар истагандан ҳам ортиқ экан. Кўничилек беззак билан оғирри. Шундай нормамиз ҳар биримиз учун 20 вагонетка кўмирини кўлда юклаб, жойига стказиб агадариндан иборат экан. Бизлар уни 21 вагон қилиб бажаарар экан. 21-чиңига «Катанин

қызлари учун», деб ёзиб құярдык. Бир ойға берилған озиқ-обжатимизни 10 күнде адо қылардык. Нермадан ошиқта бажарылған иш учун бүткәга ёки макаронга талон берарди. Моддини рагбатлантириши тарниңасыда иш кийими, бир бұлак соғуи, бир кийиммік чит, калыш берарди. Овқатга құшимча бұлсны деб махсус одамдарға қуорол бериб, балиқ овтанды, тошбақа тутишга юборишарди. Үрушнинг охирларында көлиб кончилар ўзлари учун ҳар бирига 50—60 киши сиғадиган барак қуриб олишди. Бунинг учун ҳар бир киши ёғоч, каттакatta чиқиндиларни, бұлак-бұлак күмирларни ҳам ташыб келарди. Соғун йүқ ҳисобида эди. Ҳар ким ўз кийимини каолин билан, күмир билан юварди. Шахтада ҳамма ишлар құлда бажарылар, оддий механизм ва асбоблар ҳам йүқ эди. Породаларни чүкің билан синдирады. Бугун бу ақволин күз оғидимизге келтиринш вахималироқ туулади. Ваҳдоланки, бизлар шу ақволда яшаб, ишлагамыз.

Кончиларимиз тез орада республикага танила бошлашды. 1943 йили 31 августда «Правда Востока» газетаси шундай деб ёзғанды: —«Тошкент-Сталинуголь» конининг колективи ойлик күмир қазиб чиққарын режасини муддатидан олдин, яъни 29 августда адо этдилар. Августнинг охирги кунлари суткалик күмир қазиб режаси ортиғи билан бажарылмоқда. Қызыл Армиянинг фронтдаги ғалабасында жавобан янада жасорат билан ишлаб, фронтта ва халқ хұжалигига режекан ташқары 100 тонна күмир беринш мажбуриятини олди». Газета мухбири, шунингдек конда мустаҳкамловчи бұлғып ишлаган Матрёна Шемчукнинг Ленин ордені билан мукофотланганини ҳам ёзади. Шунингдек, Ангренда әрқаклар касби бұлған пармалаш ҳунарини әгаллаган Вера Шиян ҳақида ҳам сүз юртилған эди.

Тамарахонимининг көп қурувчилари ҳузурнан мемон бўлиб келгани катта байрамга айланиб кетганди. Тамарахоним ўз құшиқ ва рақслари билан кончиларни хушнуд этди.

1942 йили Тешик-Тошда ФЗО мактаби очилди. 1943 йилнинг бошида бу ерда ўқув комбинати ишлай бошлади. Бу ерда иш бошлаган кечки ишчи-шылар мактаби

ҳам қишини ақволда эди. Ўқув қуорллари йүқ эди. Кўнгина дарсларни газетанинг қирғоқларига ёзишарди. Шу пайтларда шаҳримизга чиройли ёш аёл Фроня Семеновна Валигура ўқитувчи бўлғиб келди. У олдин ташкил топиб, тарқалып ҳолига келиб қолған кечки ишчи шылар мактабини бошқарарди. Унинг дарслари ҳаётин ва қизиқларни бўлғанилиги учун ҳамма қатнарди. Улар ишдан чарчаган, оч ва кир-чир бўлишларига қарамай, ўқишини исташарди. Уни ҳаётнинг ўзи талаб қилиларди.. Ахир улар ҳам давр тақозоси билан эрта утгайиб қолған 16—18 ёштардаги ўнгитчалар эди-да. Улар дарсда ўтиришиб, ухлаб қолишар, уларни уйғотишмасди. Ишнинг оғирлігини, айниқса, ёшлар учун қапчалық қишини эканлыгини ҳамма сезиб турарди. Шундай бўлса ҳам дарсдан қолмасдан билим олишига ҳаракат қилишарди. Мабодо касал бўлиб қолса ёки ишдан кечроқ чиқиб қолине бошқа вақтла тўлиқ қатнашарди.

1944 йили Ангренда 10-сипифин битирудчиларининг гантаналии йигилиши бўлиб ўтди. Булар: Зина Фёдорова, Лиза Хлонкова, Валя Лежнев, Роман Вайнтрауб ва бошқалар... Ҳаммаси бўлиб 7 нафар ўқувчи эди. Буларга дарс берган биринчи ўқитувчилар қуйидагилардан иборат эди: Г. Мадорова, Х. Қурбонова, В. И. Корской, Л. Шонсматова, З. Каримова ва бошқалар. Уларнинг авлодлари ҳозир ҳам ўқитувчилик қилиб, апъянани давом эттироқдалар.

Нина Владимировна Матросова эслайди: конда вагонеткани итарувчи бўлиб ишләётган эдим. Франя Семеновна менинг педагогика институтида ўқиганлыгим ва мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганлыгимни эслаб кони раҳбарларидан менин ўқитувчиликка қайтаришларини илтимос қилибди. Бу илтимос бажарилди (ҳозир Нина Владимировна мактаб директори вазифасини бажарып келаяпти).

1944 йили Тешик-Тош қўргонида 300 ўрнили 1-мактаб очилди. Унга Ю. А. Кисбель директорлик қиласди. 1946 йили Армия сафидан бўшатылған Ева Михайловна Гигаури (бу аёл урушининг бошидан охиригача ҳамишира бўлиб ишлаган ва жаиговор орден ва медаллар соҳибаси) ҳам шу мактабда ишлади. Космонавт